ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ ВА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Бобаназарова Жамила Холмуродовна
Жиззах политехника институти “Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси профессори, и.ф.д.
Одилова Феруза Одиловна
Тадқиқотчи

Аннотация

Мақолада мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, унда аёллар учун яратилаётган имтиёзлар, таълим тизимини ривожлантириш масаласи ўрганилган. Таълим тизимини ривожлантиришни давлат томонидан бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилиниб, уни бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари ўрганилган. Таълим тизимини ривожлантиришда инновациянинг назарий жиҳатлари, уни ривожлантириш ва баҳолаш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бўйича амалий тавсия ва таклифлар берилган. Социологик сўровнома натижалари асосида таълим тизимида аёллар учун яратилган имкониятлар ўрганилган. Хотин-қизларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашлари учун таълим сифатини яхшилаш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклифлар келтирилган.

Калитли сўзлар: таълим хизматлари, инсон капитали, кадрлар салоҳияти, таълим сифати, инсон тараққиёти, имтиёзлар, илм-фан.

Аннотация

В статье рассматриваются реформы, проводимые в сфере образования в нашей стране, льготы, созданные для женщин, развитие системы образования. Исследованы особенности государственного управления развитием системы образования, изучены направления повышения эффективности ее управления. Приведены теоретические аспекты инновационного развития системы образования, практические рекомендации и предложения по социально-экономическим отношениям, возникающие в процессе ее развития и оценки. Возможности, созданные для женщин в системе образования, изучались по результатам социологического опроса. Представлены предложения по улучшению качества образования и повышению конкурентоспособности женщин на рынке труда.

Ключевые слова: образовательные услуги, человеческий капитал, кадровый потенциал, качество образования, развитие человека, льготы, наука.

Annotation

The article examines the reforms implemented in the field of education in our country, the benefits created for women, the development of the education system. Specific features of the state management of the development of the educational system have been researched, directions for increasing the efficiency of its management have been studied. Theoretical aspects of innovation in the development of the educational system, practical recommendations and suggestions on socio-economic relations arising in the process of its development and evaluation are given. Opportunities created for women in the education system were studied based on the results of a sociological survey. Proposals for improving the quality of education and increasing women's competitiveness in the labor market are presented.

Key words: educational services, human capital, human resources, quality of education, human development, benefits, science.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари тараққиётида рақобатнинг тобора кучайиб бориши шароитида таълим соҳасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги стратегик соҳалардан бири сифатидаги ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда.“Ҳозирга келиб, таълим хизматлари халқаро бозорининг ҳажми 100 млрд. АҚШ долларни ташкил этмоқда. «Инсон капитали» дунё миллий бойлигининг 64 фоизини ташкил этади. Бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 70 фоиз, ўрта даромадли мамлакатларда 58 фоиз, қуйи даромадли мамлакатларда 41 фоизни ташкил этмоқда” [1].

Мамлакатимизда ҳам узлуксиз таълим тизимини сифат жиҳатдан ривожлантириш борасида таълим сифатини юксалтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва тизимнинг моддий-техник базасини замонавий талаблар асосида мустаҳкамлаш кабилар билан бир қаторда аёлларга таълим соҳасидаги яратилаётган шарт-шароитларнинг ташкилий жиҳатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади сифатида инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида таълим хизматлари бозорида аёллар ўрнини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун мамлакатимизда таълим тизими учун яратилаётган имкониятлар, аёлларнинг таълим ва фан билан шуғулланишлари учун оилавий вазифаларни биргаликда қўшиб олиб боришдаги шарт-шароитлар ва уни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини тадқиқ этиш вазифаси белгиланган. Зеро, Янги Ўзбекистонда аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, аёллар меҳнатини интеллектуаллаштириш, иш билан бандлиги ошириш, уларнинг таълим олиши учун шарт-шароитларни яратишнинг аҳамияти беқиёс ва айнан шу ҳолат мазкур муаммонинг долзарблигини белгилаб беради.

Академик Қ.Х. Абдурахмоновнинг “Инсон тараққиёти” номли дарслигида Ўзбекистон Республикаси таълим даражаси бўйича дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторида туриши илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Ўзбекистонда таълим кўрсаткичи 0,998 ни ташкил этгани ҳолда жаҳон бўйича ушбу ўртача кўрсаткич 0,77 га тенгдир.Республикатаълим кўрсаткичи бўйича Европа Иттифоқи таркибига кирадиган

Мальта (0,86), Руминия (0,90), Хорватия (0,90), Марказий Американинг саноати энг ривожланган мамлакати – Коста-Рика (0,87) ва Хитой Гонконгидан (0,88) олдинда. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон нефть ҳисобидан бойиб кетган Бахрайн ва Бруней (0,88), Қувайт (0,87), Қатар (0,86), Бирлашган Араб Амирликлари (0,71), шунингдек, иқтисодийривожланиш соҳасида катта муваффақиятга эришган Мексика (0,86) ва Малайзиядан (0,84) олдинда. Ўзбекистон катта ёшдаги аҳоли саводхонлиги даражаси бўйича (99,3%) Италия (98,4 %), Испания, Жанубий Корея (98,0 %) ва Исроил (97,1 %) каби иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг эгаллаган ўрни аниқланган [2, 492].

А.Мадалиевнинг “Бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш” номли тадқиқот ишида бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштиришнинг назарий-методологик асослари тадқиқ қилинган. Таълим инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиётини ривожлантириш билан боғлиқ масала. Лекин бунда тенгсизлик мавжуд бўлиб, барча ҳам бирдай таълим олиш имкониятига эга бўлавермайди. Бундаги асосий ҳаракат мавжуд тенгсизликни бартараф этишга қаратилиши зарур услубияти тадқиқ этилган ҳамда амалий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган [3,187].

Хорижий олимларнинг Zohal Hessami, Mariana Lopes da Fonseca тадқиқот ишларида, сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида дунёнинг деярли барча мамлакатларида раҳбар лавозимларда аёллар фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таснифининг илмий асослари тадқиқ этилган. Ривожланаётган давлатларда аёлларнинг бошқарув ваколатлари ошиши таълим ва соғлиқни сақлаш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилиши билан изоҳланса, ривожланган давлатларда аёлларнинг бошқарувда улуши кўпайиши билан давлат сиёсатига таъсир кўрсатиши ва давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар тадқиқ этилган [4].

А. Ирматова томонидан “Инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этиш методологиясини такомиллаштириш” номли илмий тадқиқот ишида БМТ томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланиш концепциясида аёллар маънавий ва иқтисодий салоҳияти самарали ва тўлалигича ишлатилиши ўрганилган. Меҳнат ресурсларининг салмоқли қисмини ташкил қилган, кўп қиррали касбий тажрибаси ва маълумот даражаси юқори, уй хўжалигини юритиш бўйича малакага эга, оила ва болалар тарбиясига масъул бўлган аёллар иқтисодиёт, таълим ва маданият ривожига муҳим ҳисса қўшишлари бўйича амалий хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилган [5].

Аёл кадрларини тайёрлашда касбий таълим тизими турли таъриф ва ёндашувлар, уларнинг моҳиятини англаган ҳолда, мазкур тушунчага қуйидагича ёндашувни илгари сурамиз: инновацион иқтисодиётни ривожлантириш шароитида меҳнат бозоридаги рақобатни ошириш аёллар ижтимоий фаоллигини ва уларнинг касбий таълими сифатини янада яхшилашни талаб қилади, зеро, аёл кадрларини тайёрлашда касбий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурияти малакали аёл кадрларни тайёрловчи яхлит тизимни янада такомиллаштиришга боғлиқ.

Аёлларни иш билан таъминлашдаги асосий тўсиқлар ижтимоий-руҳий, иқтисодий-молиявий, ташкилий, демографик турларга бўлиниб, унда оилавий юмушлар, фарзандлар тарбияси, касбий малака даражаси, ижтимоий инфратузилма соҳаларининг ривожланиши ва демографик ўзига хослик натижасида келиб чиқувчи бир қатор муаммолар, уларнинг ечими бевосита аёллар меҳнат бозорини тартибга солиш устуворликлари, бошқарув, ташкилий ва моддий рағбатлантиришлар ҳар томонлама ислоҳотларни амалга оширишга таянади.

*Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, таълим тизимининг барча поғоналарида ўқишга интилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаймиз ва уларга шароит яратамиз. У*ларга таълим олишлари учун қуйидаги имтиёзлар белгиланди (1-расм):

***Аёл*ларга таълим олишлари учун қуйидаги имтиёзлар белгиланди:**	2022/2023-ўқув йилидан ОТМ, техникум ва коллежларда, сиртқи ва кечки таълимда ўқиётган хотин-қизлар контрактларини тўлаш учун 7 йилга фоизсиз кредит бериш учун банкларга бюджетдан ҳар йили 1,8 триллион сўм йўналтирилади
	Давлат ОТМларида магистратурада ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари қоплаб берилади ва бунга ҳар йили камида 200 миллиард сўм ажратилади. Давлат илмий ташкилотлари ёки ОТМ докторантурасига хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратиб борилади
	хорижий ОТМларга бакалавриат учун – 50 нафар, магистратура учун – 10 нафар хотин-қизларга ҳар йили “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали қўшимча грантлар ажратилади
	2022/2023-ўқув йилидан ҳар йили 2100 нафар ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим контрактлари маҳаллий бюджетдан тўлаб берилади
	мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган 500 нафар хотин-қизлар ҳар йили Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси тавсияномаларига асосан давлат ТМларига умумий квотадан ташқари алоҳида тест синовлари натижаларига мувофиқ контракт асосида ўқишга қабул қилинади

1-расм. Аёлларга таълим олишлари учун ажратилган имтиёзлар [6].

Шунингдек, уларнинг илм-фан билан шуғулланишга қуйидаги шароитлар белгиланди хотин-қизларга дизайн, тўқимачилик, ахборот технологиялари, тармоқлар иқтисодиёти, маркетинг ва талаб юқори бўлган бошқа таълим йўналишлари бўйича таълим берадиган алоҳида университет очилади, давлат бошқаруви академиясида раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича алоҳида ўқув курсларини ташкил этилади ҳамда ҳар йили камида 100 нафар хотин-қизлар ўқитилади.

Аёлларнинг таълим олишлари, таълим тизимидаги ислоҳотлар самарадорлигини таҳлил қилиш бўйича 2023 йил март ойида Жиззах вилоятининг 6 та танланган объектида сўровнома онлайн тарзда ўтказилди, сўровнома натижалари қуйидаги диаграммада кўрсатилди (1-диаграмма).

Таълим тизимида аёллар учун яратилган имкониятларни респондентларнинг 25,9 % билмайман, 24,7 % тўлиқ билмайман, 13,9 % қисман биламан, 11,1 % эса билишни хоҳлайман, 1,4 жавоб беришга қийналаман деб жавоб берганлар.

Аёлларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларида ижтимоий-руҳий, иқтисодий-молиявий, ташкилий, демографик омиллар таъсир кўрсатиб, унда оилавий юмушлар, фарзандлар тарбияси, касбий малака даражаси, ижтимоий инфратузилма соҳаларининг ривожланиши ва демографик ўзига хослик натижасида келиб чиқувчи бир қатор муаммолар, уларнинг ечими бевосита аёллар меҳнат бозорини тартибга солиш устуворликлари, бошқарув, ташкилий ва моддий рағбатлантиришлар ҳар томонлама ислоҳотларни амалга оширишга таянади.



1-диаграмма. **Таълим тизимида аёллар учун яратилган имкониятларни ўрганиш бўйича маълумот**[1]

(***Социологик тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган).***

Олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, таъкидлаш лозимки, қуйидаги хулоса ва тавсияларни илгари сурамиз:

- Ўзбекистонда аёлларнинг таълим олишдаги имтиёзлари қаторига рақамлаштириш ва масофавий индивидуал таълим шакли устунлик ва имкониятларидан фойдаланиш бевосита таълим тизимига таъсир кўрсатувчи омилларни ривожлантириш;

- сифатли таълим инсоннинг бутун умри давомида таълим олиш тизими сифатида шаклланиши нуқати-назаридан тегишли ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий механизмларни шакллантириш;

- илмий-тадқиқот ишида хотин-қизларни олий таълим қамровини янада ошириш орқали касбий масалаларни ечишга ижодий ёндашадиган ва масъулиятли қилиб тарбиялаш;

- таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар сифатида тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

- таълим хизматлари бозорининг фаолиятини ёшлар, аҳоли талаблари асосида эмас, балки ҳудудлар, иқтисодий минтақалар ва меҳнат бозори талаблари асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланган адабиётлар

1. Халқаро таълим хизматлари бозори маълумотлари. https://cyberleninka.ru/article/n/mirovoy-rynok-obrazovatelnyh-uslug-vysshey-shkoly;http://www.m-economy.ru/art.php?nArtId=3649

2. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқалар. Инсон тараққиёти. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. -Б. 492.

3. Мадалиев А. Бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш. И.ф.д.диссертация Т. 2021 187 б.

4. Female political representation and substantive effects on policies: A literature review, European Journal of Political Economy, Volume 63, 2020, 101896, ISSN 0176-2680, https://doi.org/10.1016/j.ejpoleco.2020.101896.

5. Ирматова А.Б.Инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. диссертацияси. Тошкент. 2021. 17 б.